

ШАРҚ ЮЛДУЗИ

Адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов
Акрамжон Адизов
Эркин Воҳидов
Кенгесбай Каримов
Наим Каримов
Рустам Мирзаев
Тўра Мирзаев
Иқбол Мирзо
Минҳожиддин Мирзо
Ғулом Мирзо
Абдуваҳоб Нурматов
Баҳамдулло Нурабуллаев
Абдулла Орипов
Тўра Саидов
Сирожиддин Саййид
Йўлдош Солижонов
Хайриддин Султонов
Рустам Қосимов

Бош муҳаррир — Улуғбек Ҳамдам
Бош муҳаррир ўринбосари — Икром Отамурод
Масъул котиб — Зиёдбек Ўринов
Наср бўлими мудири — Орзиқул Эргаш

3
2012

www.ziyouz.com kutubxonasi

УШБУ СОНДА:

Шеърият

Усмон АЗИМ

Сўздан тақдир қурдим

Шеърлар



Сенинг билан барг очайин,
Сенинг билан гуллаб қолай.
Бу дунёдан қандай ўтиб
Кетганимни билмай қолай.

Наср

Ойдин НИСО

ҲАЁТ ДАРАХТИ

Қисса



Бу ғамхўрлигим учун тунда “раҳмат” эшитаман. Содда дарахтчам билмайдики, унинг борлиги – менинг бахтим! У менга яхшилик қилиш имконини берди. Ахир, дунёда кимгадир кераклигинг, яхшилик қилишинг мумкинлигини ҳис этиб яшашдан ортиқ бахт борми?!

Шеърият

Гўзал БЕГИМ

Ипак гулкосада ёвқур табассум

Шеърлар



ҳислар уюм
кўнглим уюм-уюм
қайрилиб қайрайди юраккуш йўлак
умримнинг энг иссиқ соҳилларида

Жаҳон ҳикоялари хазинасидан

Элке ҲАЙДЕНРАЙХ

ЭРИКА

Ҳикоя

...негадир уни “Эрика” деб атагим келди, миямга келган дастлабки фикр шу бўлди: Эрика. Қўғирчоқ чўчқача каттагина, оч пушти юнгли, тўқ пушти оёқлари, бир оз очилган оғзи, юмшоқ қулоқлари... ва тасаввур қилиб бўлмайдиган даражада ишонч тўла кўзларида сахийлик, қизиқувчанлик, айни чоғда бир оз қувлик балқиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нўъмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари доктори, профессор



ЛИРИКАДА ЗАМОН ТУЙҒУСИ

Бугунги адабий жараёнда, хусусан, шеъриятда кечаётган жанр ва шаклий изланишлар шунчаки ижодий тажриба – поэтик эксперимент намуналари бўлиб қолаётгани йўқ. Муттасил кечаётган жанр ва шаклий изланишлар шоирларнинг юрак амрига, маънавий-интеллектуал эҳтиёжига айлангани боисидан ҳам қутлуғ самаралар бермоқда. Воқеликни тушуниш, инсон ва жамият психологиясини тушунтиришда ҳаётий мазмун билан тўлиқиб бормоқда. Истиқлол даври шеъриятимиз ғоявий-эстетик мундарижасини белгиламоқда. Реал ҳаётий мазмун, замонга ҳамнафаслик, қайноқ давр руҳи истиқлол шеъриятининг етакчи хусусиятларидан бирига айланди.

Поэтик жанр ва шакллардаги изланишлар қанчалик кўп бўлса, бадиий-эстетик маънони ифодалаш усуллари, йўллари шунчалик кенглигини кўрсатади. Шоирларимиз салоҳиятининг даража-миқёсларини тасдиқлайди. Зеро, жанр ва шаклий изланишлар бадиий-фалсафий, ижтимоий-ахлоқий мазмунни бериш баробарида, салоҳиятининг имкониятларини ҳам кўрсатади. Бизда, одатда бадиий асарни ўқиш, ўзлаштириш ва баҳолашда икки хил нуқтаи назар етакчилик қилади.

Биринчи, рационал қараш бўлиб, у ёритилган мавзунинг нечоғлик долзарблигини, давр-замонга ҳамнафас, ҳозиржавоблигини китобхонларнинг ҳаётий тажрибаси ва қизиқишларига, жамият манфаатларига кўра баҳолайди. Бу – бадиий мазмунни рационал идрок этиш маҳсулоти, албатта. Иккинчиси, ҳиссий-эмоционал ёндашув бўлиб, у китобхоннинг ҳаётдаги ва санъатдаги гўзаллик туйғулари талқинидан, идрокидан келиб чиқади. Бунда мавзунинг муҳимлиги эмас, аксинча, асарнинг эстетик таъсир қуввати, бадийяти-қадри етакчи ўринга қўйилади.

Инсоннинг табиат, жамият билан боғлиқ руҳоний ҳаётини янгича бадиий тадқиқ этишда реализмнинг ижодий имкониятлари тобора такомиллашиб, кенгайиб бормоқда. Хусусан, борлиқ ва йўқлиқ меҳварида турган инсон феномени-психологиясини фавқулодда ҳодиса сифатида тадқиқ этиш мазкур йўналишнинг устувор хусусиятидир. Психологик реализм деб айтиш мумкин бўлган ушбу бадиий йўналиш шахснинг моддий ва маънавий қадриятлар билан (дин, маданият, тарих, табиат, жамият) боғлиқ робиталарини таҳлил этмоқда.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Олган нафасинг янгидир бешак” туркумида инсон феноменига янгича ёндашув эътиборни тортади. Инсон онадан ёлғиз ўзи туғилса-да, ёлғизликнинг эрка бандаси эмас. У одамлар билан бирликда, ҳамнафасликда кечгувчи тириклиги билан ёруғликка мансуб, деган ғоя етакчилик қилади. У ўз зиммасига юклатилган, чекига тушган тириклик масъулиятини нечоғлик маъноли адо этиши онги-эътиқодини шарафларга ноил этади, деган мазмун балқиб туради.

Райҳонларга чулғаниб кетган
Онам ҳиди келади сендан.
Биламанки, хокисоргинам,
Сен ҳеч нарса кутмайсан мендан.

Ушбу сатрлар истиқлол даври шеъриятида гўзал, беназир ва бетакрор бадиият намуналарини яратаётган ҳассос шоира Ҳалима Аҳмедованинг “Ватан” шеъридан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Райҳон, тупроқ образларига юклатилган бадиий фикр Ватан тушунчасини буткул янгича талқин этишга олиб келган. Шеърнинг нечоғлик асл шеърлигини, бадиий-эстетик салоҳиятини поэтик образлар зиммасидаги оҳорли мазмун белгилашга яна бир карра ишонч ҳосил қиласиз.

Мен туғилган кунимдан бошлаб,
Талпинганим сен бўлдинг, ишон.
Сенинг зарра-зарраларингда
Ҳақ жамоли бўлди намоён.

Тупроқ – она тимсолида гавдаланади. Барқ урган райҳонлардан онасининг ҳиди келади. Табиатга жон бағишлаган, атроф-теварагида барқ урган, тупроққа кўрк-малоҳат, ҳусн-жозиба бахш этган жамики гўзаллик ҳақнинг тажаллиси.

Инсоният тарихида ишқ-муҳаббат васфига, садоқат ва хиёнат, кўнгил эрки ва макриё талқинларига шунчалар кўп шеър аталганки, гўё ҳамма гап айтиб бўлингандек, севги лирикасининг саҳифаларидан жой қолмагандек туюлади. Хаёлимизда туғилган бу хил таассурот алдамчи. Аслида, бугунги ўзбек лирикасининг нурпош қиёфасини севги лирикасисиз тасаввур этолмаймиз.

Таниқли шоир Абдулла Шер муҳаббатни абадий баҳор сифатида талқин қилади. Дарҳақиқат, ҳар баҳорда чандон очилган, янгидан қийғос гуллаган борлиқ таровати руҳимизга, маънавиятимизга ҳамиша гўзаллик бағишлайди. Гул чиройининг қайталанишида, гул ғунчаларининг такрорланишида, гўзалликнинг ўзгариб, янгиланиб туришида ҳаётнинг давомийлигини тасдиқловчи азалий ва абадий ҳақиқатни, инсон шахсиятининг эса камолоти боқийлигини кўрамиз.

Абдулла Шернинг ишонч-эътиқодига кўра, муҳаббат “инсоният умрининг ҳар доим, то абадгача давом этишини таъминлаб туради. У мунтазам равишда инсоният дарахтининг мевасини яна дарахтга, дарахтни яна куртакка, куртакни яна гулга, гулни яна мевага айлантирадиган сеҳрли ҳодисадир”. Ушбу хусусиятлар моҳиятан чексизлик характерига эга. Ҳаёт – табиатан ўзгаришлар, янгиланишлар жараёни асосига қурилганидек, маънавий-интеллектуал такомил ҳам ҳадлар билан белгиланмайди...

...Интеллектуал реализм деб айтиш мумкин бўлган адабий йўналишга хос хусусиятлар, кўпроқ иккилик, учлик, тўртлик, бешлик, олтилик, еттилик, саккизлик сингари поэтик шаклларда, рубоий, сонет каби лирика жанрларию сарбастдаги изланишларда кўзга ташланади. Бу борада халқ шоири Маҳмуд Тоирнинг “Иккиликлар”и, Миразиз Аъзам, Абдували Қутбиддин, Фахриёрнинг сарбастдаги бадиий пухта асарлари; Ғулом Мирзо, Гўзал Бегимнинг учликлари, Гулчеҳра Жўраеванинг “Истиқлол ва иқбол эгизак экан”, Турсун Алининг “Кўнглим узра хазонрез фасли”, Ойгул Суюндиқованинг “Кўнгил тонглари”, Мунавваранинг “Юрт ишқини туттим юракка”, Ойдиннисонинг “Сен” туркумлари; Баҳром Рўзимуҳаммад, Рауф Субҳон, Мирзо Кенжабек, Вафо Файзулло каби шоирларнинг инсон зоҳирий ҳамда ботиний ҳаётини бадиий ўрганиш борасидаги изланишлари диққатга молик. Тўғри, аксар намуналарда шаклий изланишлар фикрсизликни яширишдаги бир ниқобдек таассурот қолдирмоқда.

Интеллектуал реализм деб аталган адабий йўналиш, аввало, сўздан бадиий фикр салмоғини талаб қилади. Миразиз Аъзамнинг кейинги йиллар лирикаси, хусусан, “Иҳвон ут-тайр” (“Қушлар дўстлиги”) туркумидаги шеърлар бадиий маъно, оҳорли салмоғи билан эътиборга сазовор. Агар биргина “Иҳвон ут-тайр” (“Қушлар дўстлиги”) шеърини оладиган бўлсак, маънавий-ахлоқий, ақлий етуклик жамиятларни юксалтиради, кўнгилларни тозартиради, элатларни қадрдонлаштиради, қадрлар шаънини юксалтиради, деган фикр устувор.

Рамзларга, тахайюлли тафаккур уйғотган тимсоллар асосига қурилган шеъриятининг йигирманчи аср иккинчи ярми – йигирма биринчи аср бошлари лирикамиз жанрлари ва поэтик шакллар тарихини яратишдаги аҳамияти нуфузлидир. Шоирнинг сўнгги йиллар лирикаси ҳамда “Қалбимда сийлаганим” туркуми самарали изланишлар намунасидир. Кўнгил ҳуррияти, туйғулар эрки сингари юксак маънавий-ахлоқий, интеллектуал қадриятларни ёқлаши, ҳимоя қилишига кўра, Миразиз Аъзам лирикаси бадиий-эстетик қиммат касб этади.

Мен қуш тилини билгим келади,
Уларни юпатгим келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гўзалликдан гап очиб, гармониядан
Бир куй куйлагим келади.
Ҳар қалай қушларнинг дўстлиги
дунё дўстлиги бўлажак.

Ушбу сатрлар шоирнинг “Иҳвон ут-тайр” (“Қушлар дўстлиги”) шеъридан. Бош маъно шундаки, инсон ҳамиша ўзини-ўзи камол топтиради. Фикран ва руҳан камолга юз тутганлиги учун ҳам тириклиги мазмунли. Бу нарса жамиятларнинг ҳаётини муттасил янгилаб туради, элларни-элатларни бир-бирига биродарлаштиради, деган ибратли фикрдир.

Ногоҳ оёғингга кирган ул тикан,
Билки, ўзинг эккан ёмонлик экан.

Ёки:

Кўзгу билан кўришсанг гар, юзинг сўзлар,
Дилинг билан тиллашсанг гар, кўзинг сўзлар.

Ёки:

Омад кўкдан тушмас, у ҳам феълингдан,
Қўлингдан бермасанг, бергин йўлингдан.

Ушбу сатрлар Маҳмуд Тоирнинг “Иккиликлар” туркумидан. Шоирнинг пейзаж лирикасида, инсоннинг табиат ва жамият руҳияти ёритилган шеърларида мушоҳадакорлик яққол бўртиб туради. Халқона ҳикматга йўғрилган фикр тириклик сабоқлари, ҳаётий ибрат маъносини ўзига сингдирган ҳолда намоён бўлади. Хусусан, инсоннинг феълиатвори барча қилмишларига бир кўзгу. Яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам ичидаги одам бошқаради.

Маҳмуд Тоирнинг “Иккиликлар”ига Шарқ поэтикасининг таъсири кучли. Хусусан, дидактик мазмун унинг асосини ташкил этаркан, ҳаёт сабоқлари, тирикликдан орттирилган ибрат кўпроқ эътироф тарзида ифодаланади. “Иккиликлар” шоирнинг кўп йиллик кузатишлари, одамлар билан мулоқотлари, кўрган-кечирганларидан уқилган маънолардир. Кўнгилнинг қатим-қатимларидан сизиб чиққан эътирофларидир. Улар ҳаётий заминга қурилгани боисидан ҳам таъсирчан, ибратли.

Ўтган кун – умрдан узилган томчи,
Қўлингдан келса гар бир ушлаб қол-чи.

Умрлар югурик – мисоли ёруғлик, шу боисдан ҳам унинг ҳеч бир лаҳзасини ушлаб қололмайсан. Фақат одамларга кўрсатилган яхшиликкина, тирикликка туташ ёруғликкина умрни узайтиради. (“Овоза қилинмай қилинган савоб, Маҳшарда бошингга тушгувчи офтоб”.)

Шоир фақат кўрган-билганларини эмас, яна ўйлаган, кўнглидан кечган асноларни ҳам жонлантиради; улар бошдан кечирилган, ҳаётдан уқилган ибратли дақиқалар бўлганлиги боисидан ҳам маъноли кечинмалар ғоявий жиҳатдан ўзаро боғлиқ; бадиий мазмун бири иккинчисини тўлдиради. Бу нарса ҳар бир иккиликнинг ички қурилмасидаги бадиий маънонинг ўзига хослигини таъминлаган. Чунончи, кечмишдан фикр, ундан эса ибратли маъно зоҳир бўлаётир.

Ким сийлаб айтади, ким тиғлаб айтар,
Гар қандоқ айтилса, бил, шундоқ қайтар.

Ёки:

Бойчечак юз очса қишни қаритар,
Қишдан қолган дардларни ҳам аритар.

Шоирнинг иккиликларидаги бадиий фикр яланғоч ўгит, панд-насиҳатдан юқори. Улардаги мушоҳадакорлик, шаклан қисқалик ифоданинг тиниқ ва лўндалиги, кечинмадан сизиб чиқаётган фикрнинг ички қуввати “Иккиликлар”га афористик мазмундорлик бағишлаётир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лирика жанрлари (сонет, рубоий) ҳамда поэтик шакллардаги (учлик, иккилик, бешлик, олтилик, еттилик) изланишлар орқали интеллектуал реализм илгари сураётган бадиий-эстетик концепция шундан иборатки, эзгулик, гўзаллик яратган инсон бахтга муносибдир; зеро, ёруғликнинг ўзи бахтнинг мазмуни демакдир. Инсон ўз руҳиятини зиёбахш этгани сайин тириклиги нурли, ҳаёти фараҳли бўла боради, деган маънони ёритишга сафарбар. Табиийки, бу ижодкордан фалсафий фикрлаш тарзини тақозо қилади. Шу жиҳатдан, туйғу-кечинмалар, ўй-мушоҳадалар таҳлили ушбу адабий йўналишга хос етакчи хусусиятлардир. Бу нарса кўпроқ фикрчан ҳолатлар суратини, кайфиятлар манзарасини, кечинмалар маъносини ифодалаш тарзида зоҳир бўлмоқда. Шу боисдан ҳам онг-шууримизда кечган фикрларнинг суратлари бир-бирига уланиб кетган туйғулар тизимини эслатади.

Сен – ҳар кеча кўзимга чўккан
ширин тушсан.
Тушлар – менинг умрим.
Ўнгда ухлаб,
тушда уйғонаман, мен,
борлигинг учун.

Бу – Ойдиннисонинг “Сен” туркумига кирган шеърларидан. Шоира услубининг ўзига хослиги шундаки, у кайфият, ҳолат, кечинма, таассурот фикрини суратлантиришни суяди. Яъни, туйғуларнинг маъноли манзаралари худди кино тасмаларидаги сингари бирма-бир кўз ўнгимизда жонлана боради. Ушбу поэтик ифода Ойдиннисо ижодий йўсини, тафаккур тарзи учун хос хусусиятга айланиб бормоқда.

Сен – кўксимда қад ростлаган тоғсан.
Ўзимни кўтариб оламан
сенга чирмашиб.
Юрагимда ўпирилган жар ҳам
ўзингсан.
Сенга етиш учун қулайман ўзимга.

“Сен” туркуми лирик қаҳрамон тасаввурида жонланган маҳбубининг поэтик тимсолларини (тоғ, қўшиқ, оғриқ, ёш, ҳайқириқ, осмон, тонг, шом, найсон ёмғири, шаббода) кечинмаларга айланган ҳолатларини суратлантиради. Улар кўнгил эътирофлари, нолалари, жолалари, илтижолари тариқасидаги кечинмалар мазмунини ёритади.

Руҳият дунёси бағоят сирли ва жозиб. Унинг идрок ва ифода усуллари, шакллари ҳам шунга монанд турфа хил. Шоирларимизнинг ҳаётдан, воқеликдан орттирган таассуротлари, тажрибалари шахсиятлари бойлиги, олам ва одам сир-синоатларини тушуниш ҳамда тушунтиришдаги ўзига хос индивидуаллигини белгилайди. Бадиий-эстетик тафаккур табиатидаги ижтимоий-фалсафий, бадиий-ахлоқий мазмун адабий йўналишлар моҳиятини, характерини таъминлайди.

Шоирларимиз ўз идеалидаги гўзаллик белгиларини лирик қаҳрамонлари табиатида ифодалар экан, тасаввур ва тушунчаларидаги кўримсизлик аломатларини ҳам муайян бир қиёфада мужассамлаштиради. Индивидуал унсурлар тизими лирик қаҳрамонни тиниқ бир характер қиёфасида намоён этади.

Ана шу ўзига хос хусусиятларига кўра шоирларимизнинг лирик қаҳрамонлари бир-биридан фарқланади. Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ойдин Ҳожиева, Миразиз Аъзам, Абдулла Шер, Сирожиддин Саййид, Мирпўлат Мирзо, Иқбол Мирзо, Икром Отамурод, Ҳалима Аҳмедова, Салим Ашур, Сирожиддин Рауф сингари шоирларимиз тафаккур қирралари: маданий, маърифий, тарихий, диний-ахлоқий қадриятларга, кўнгил туйғуларига муносабатига кўра ўзаро ажралиб турибди. Миллатпарварлик, инсонпарварлик ғояларини ташиб келади. Юқоридаги кузатувлардан келиб чиққан тарзда айтиш мумкинки, истиқлол лирикаси образлар тизими: фаол, эътиқодли, маънан ва ақлан комилликка чоғланган замондошларимиз руҳиятини ифодалашга йўналтирилган.

www.ziyouz.com kutubxonasi